

ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛЬ ВА ДАРЁ ТРАНСПОРТИ  
АГЕНТЛИГИ БОШЛИҒИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**595** Тендер бўйича таклифларни баҳолаш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 11-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2016 йил 23 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2630-1*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 10 мартдаги 118-сон «Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2015 йил 24 декабрдаги 370-сон «Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ буюраман:

1. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғининг 2014 йил 10 ноябрдаги 28-сон буйруғи (рўйхат рақами 2630, 2014 йил 9 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 50-сон, 596-модда) билан тасдиқланган Тендер бўйича таклифларни баҳолаш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 11-бандидаги «2000 йил 11 декабрдаги 472-сонли» деган сўзлар «2015 йил 24 декабрдаги 370-сон» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Бошлиқ**

**В. ИСМАИЛОВ**

Тошкент ш.,  
2016 йил 16 декабрь,  
51-сон